

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 18 июль, №148 (3260)

Жума

Хива ва Нара:

ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ

Япониянинг биринчи пойтахти саналмиш Нара шаҳри кунчиқар ўлканинг шимолида жойлашган бўлиб, Буюк Ипак йўлининг йирик марказлари билан тарихий муштаракликка эга. Шу муштараклик асосида кўна ва кудратли Хива шаҳри Нара шаҳри билан тарихда салмоқли муносабатлар ўрнатилган.

Бир вақтлар узоқ шарқни кўна Турон замини билан боғлаб турган Буюк Ипак йўли бугунга келиб яна диққатимиз марказига чиққани учун замонавий Япония ва бугунги Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари орасидаги дўстона муносабатлар яна жонлана бошлади.

2002 йилнинг 30 июлида Президент Ислам Каримов Япониянинг етакчи билим даргоҳларидан бири Васеда университетидега икки қадимий шаҳар — Нара ва Хиванинг муносабатлари


ҳақида сўз юритиб, университет профессор ва ўқитувчиларига "Хиванинг аjoyиб тарихи, жумладан ёши 2700 йилдан ҳам ошган Зардуштийлик ёдгорликлари бугунгача сақланиб қолгани" ҳақида маълумот берганди.

Нара шаҳар мэри Я.Оққава ва Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчиси М.Очиловнинг навбатдаги учрашувида ҳам Нара ва Хива шаҳарлари хусусида сўз боргани амалий алоқаларнинг расмий тус ола бошлагандан далолат бер-

ди. Жаноб Я.Оққава раҳбарлик қилаётган шаҳар жамоатчилиги ҳамкорлигида Хивага ташриф буюришни режалаштираётганини билдириб, икки қадимий шаҳар ўртасида биродарлик ришталарини ўрнатиш таклифини қўллаб-қувватлади.

— Шу йил куз фаслига режалаштирилган сафаримиз чоғида иқтисодиёт, жумладан халқаро сайёҳлик ҳамда маданият каби қатор соҳаларда ҳамкорлик ўрнатиш, халқларимиз орасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва қадим алоқаларни тиклаш борасида музокаралар олиб боришни кўзлап-миз, — деди Я.Оққава.

Б. АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Нара шаҳри.



Ораимиздаги одамлар

Темирчи

Қишлоқларда қизқ одат бор: исмига касбинни ҳам қўшиб гапиришади, яъни Асқар муаллим, Омон новвой, Азим қасоб... Бундан биров хафа бўлмайди ҳам. Темирчи Тошканбой бобо Сиддиқовни Булоқбошида етти ёшдан етмиш ёшгача барча таниди, ҳурмат қилади. Негаки, биров хонадон йўқки, Тошканбой ота ва унинг фарзандлари ясаган ўроқ, кетмон, даскалла сингари хўжалик асбоб-анжомлари кириб бормаган бўлсин.

— Етти алоқиди темирчилик хунарини эълоб келган, — дейдилар 86 ёшли Тошканбой ота. — Мен ҳам, отам ҳам ана шу хунар кетидан фарзандларимизни уйи-эжойи қилдик. Баъзан айрим қариялар "Бу раҳматли отангиз Сиддиқ бободан қолган", дея биров буюмини кўрсатсалар, яйраб кетаман.

Буюн Тошканбой бобонинг ўғиллари ва набиралари ҳам боболари касбини эгаллашган. Улар ясаган буюмлар нафақат Булоқбошида, балки Андижоннинг бошқа туманларида ҳам машҳур.

СУРАТДА: Тошканбой бобо Сиддиқов

Тоҳиржон ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

ДАВР ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Бехзод НОРБОЕВ). Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган хизматларнинг янги турларини ривожлантириш муаммоларига бағишланган республика илмий-техник семинари бошланди. Уни Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамкорликда ташкил этди.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида тубдан ўзгаришлар амалга оширилади. Зеро, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Соҳанинг миллий тараққиётимиздаги аниқ аҳамиятини эътиборга олиб, жаҳон ахборот ҳам-жамиятига интеграциялашиш ва унинг ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинган алоҳида эътиборга молик.

Бу ҳужжатлар, ўз навбатида, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ҳамда улардан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Семинарнинг биринчи кунини Ўзбекистонда ахборот-коммуникация техно-

логиялари ривожининг асосий йўналишлари, электрон рақамли имзони жорий этиш истиқболлари, Интернет ва электрон тижорат - рақобат муҳитини шакллантиришнинг янги омил, давлат бошқарувида электрон технологияларини жорий этиш ва хорижий давлатлар тажрибаси, ахборот хавфсизлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, қонунчилик ва метрий-хуқуқий базани янада такомиллаштириш, миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш ҳамда уларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигига оид мазмуларда маръузалар тинланди.

Семинар иштирокчилари икки кун давомида ахборотлаштириш соҳасини такомиллаштириш ва илмий-техника тараққиётини ривожлантиришга йўналтирилган изланишлар, амалий тажрибалар натижалари ҳамда янги хизмат турларини ривожлантириш муаммолари, Интернет ва маълумот узатиш тармоғи ривож, малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ масалаларда фикр алмашди.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун

Тошкентда Инвестиция институтлари миллий уюшмаси томонидан «Халқаро ва миллий қимматли қоғозлар бозорлари» мавзусига бағишланган семинар ўтказилмоқда. Унда юртимизда фаолият кўрсатётган барча банкларнинг вакиллари иштирок этишяпти. Дунёга машҳур йирик компаниялар мисолида

халқаро инвестиция институтларининг ривожланиши атрафчилик таҳлил этилди. Шунингдек, тадбирда акциялар ва облигациялар бўйича халқаро бозорлар, хусусан, Россия, Қозғонистон, Ўзбекистон фонд бозорларидеги бугунги аҳвол ҳақида мулоҳазалар ўртоқлашилмоқда.

«Туркистон-пресс».

Аскарлар хузурида

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Х.САЛИМОВ). Республика Ички ишлар вазирлигининг Қаровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмга қорақалпоғистонлик ота-оналар, Нукус шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳамда муҳофизатчилар бўлимида меҳмон келди.

— Мақсадимиз аскарларимизга яратиб берилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишдан иборат эди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳуқуқий масалалар, сафарбарлик ишлари ва фахруллоҳ вазилининг бунча бон мухассисис Б.Бердиев. — Ўтқоқналар, охинона, спорт майдонлари, дам олиш хоналари билан танишиб, очинини айтиш керак, ота-оналар хурсанд бўлди. Чунки ўз фарзандининг қандай қисмда, қай шартда хизмат қилаётганини, яшаётганини кўриш учун жуда муҳим.

Қорақалпоғистондан келган «Аму тўқини» фольклор этнографик дастасининг чиқишлари аскарларга манзур бўлди.

«Халқ сўзи» мухбири.

Бозор иқтисодиётининг ўзини хос қонунилари бор. Банк тизими, нақд пул муомаласи иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Қарда нақд пул муомаласи турли йўлга қўйилган бўлса, товар айланishi, мол айирбошлаш, савдо муносабатларида бозор иқтисодиётига асосланган таъминотларга асосан иш юритилса, ривожланиш бўлади. Фикримизни бозор иқтисодиётини қонуниларини ривожлантириш мақсадлари таъкидлаб кўрсатиб турибди.

Сунги пайларда мамлакатимиз иқтисодиётини ҳаётда бир оз бўлса ҳам нақд пул тақчиллиги сезилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳўш, бу носоглом вазиятнинг сирини, манбаи қарда?

Мамлакатимиз солиқчилари бу саволга жавоб топиш йўлида изланишяпти, муаммоларнинг илдизини топишга ҳаракат қилишяпти. Бу ишга Фарғона вилояти солиқчилари ҳам бевосита жалб қилинган. Улар Вазирлар Мақамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида қатор тадбирларни амалга оширяптилар.

— Мазкур қарор нақд пул муомаласини банкдан ташқари айланishiни жаҳон алоқалари даражасида таъкид қилишда гоят муҳим ҳужжат бўлди, — дейди Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Сайфиддин Низоёмов. — Унинг ҳаётга жо-

НАҚД ПУЛ

У банк орқали айланаяптими ёки банкдан ташқарида? Бу саволга Фарғона вилояти солиқчилари жавоб топишга ҳаракат қилишяпти

рий қилинганга ҳали бир йил ҳам бўлган йўқ. Утган давр ичунда қарор ижросини таъминлаш юзасидан беш юз эллион ортиқ қисқа мuddатли текширишлар ўтказилди. Шу жараёнда 426 та ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқладик. Далиллар кетма-кет бўлса, марҳамат: 369 миллион сўм нақд пул нозорат касса машиналарига қирим қилинган. Бир миллиард сўм нақд пул эса банк муассасаларига топширилмаган, ундан ташқарида айланган. Шунингдек, 253 та хўжалик юритувчи субъект нақд пул тушумини яширган учун салкам 1 миллиард 31 миллион сўмлик молиявий жарима тўлашга мажбур бўлди. 306 нафар мансабдор шахс Вазирлар Мақамаси қарорини бажармагани учун ўз ҳаётининг 11 миллион 256 минг сўм жарима тўлади.

Фарғона шаҳридаги «Ваймер» фирмасига қаршидан савдо дуконига қисқа мuddатли нозорат текшириш ўтказилди. Дуконда асосан спиртни ичимликлар билан савдо

қилинди. Айнан текшириш кунини сотувчи Ю. Раҳимов савдодан тушган 2 миллион 908 минг сўмлик нақд пулни нозорат кассасига қирим қилмаган. Назорат кечки пайт, дукон ёпилиши арафасида

Айрим тадбиркорлар, ишбилармонлар яширган нақд пулларини хуфийна ишлаб чиқариш цехлари барпо қилишга сарфлаётганликлари ҳам ошқор бўлиб қолаяпти. Данғара туманининг Жар қишлоғида яшовчи Фуқаро Д. Шералиева тез-тез Қўқон шаҳрига қатнайдиган бўлиб қолди. Унинг сирини кейинчалик ошқор бўлди. Бу учар тадбиркор Қўқондаги айрим савдо дуконларини қўлбола спиртлик ичимликлар билан таъминлаб турар экан. Хонадон текширилганда 187 дона сотиш учун тайёрлаб қўйилган, арок дейишга ҳам тил бормайдиган спирт қуйилган ярим литрлик шиша идишлар топилди. Бундан ташқари, хонадонда бир хил рақамланган акция марказлар, бўш шишалар, шиша қопқоқлари ҳам топилди, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Олтиариқлик тадбиркор Н. Аҳмадуллоев савдо-сотик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи ҳужжатларсиз ўз уйида минерал ўнгитлар савдосини йўлга қўйган. Бу устамон сотувчи 226 минг сўмлик 1616 килограмм минерал ўнгитни қардан, қимдан сотиб олгани ҳақида жавоб бериши тайин.

Юқорида келтирилган мисоллар, далиллар бевосита нақд пулни банкдан ташқарида қорхона ва муассасалар ҳазинасини четлаб ўтиб айланishiга имконият яратиб берапти. Бу эса энгилгина қаддини ростиб келаётган иқтисодиётимизнинг илдизига болта уриши тайин. Мана, нақд пул масаласини ҳал қилиш муаммосини қардан излаш керак.

Юқорида келтирилган мисоллар, далиллар бевосита нақд пулни банкдан ташқарида қорхона ва муассасалар ҳазинасини четлаб ўтиб айланishiга имконият яратиб берапти. Бу эса энгилгина қаддини ростиб келаётган иқтисодиётимизнинг илдизига болта уриши тайин. Мана, нақд пул масаласини ҳал қилиш муаммосини қардан излаш керак.

Фарғона шаҳрига туташ Жўлдам қишлоғида эса чигитдан ўсимлик ёғи тайёрлайдиган кичик қорхона фаолият

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.Т.Рисқиевни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Тўхтапўлат Турсунович Рисқиев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 июль.

Ҳамкорлик

Ўқув дастурида — дипломатия

Глобаллашув жараёнида аниқ равшан, шу билан бирга изчил ташқи сиёсат мамлакат тараққиёти, фаровонлиги ва хавфсизлигининг гаровидир. Шу маънода ташқи сиёсатни яратувчи шахслар, дипломат кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш долзарб вазифалардан саналади. Бу ўринда мамлакатимизда дипломат кадрлар малакасини ошириш борасида жаҳоннинг қатор нуфузли олий ўқув юрлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Голландиянинг Клингендейл халқаро муносабатлар институти шу каби ўқув масканларидан биридир.

Институт 1993 йилдан буюн мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги билан уттиш дaвpи нн кечираётган муаммолар учун «МАТРА» дастури асосида ҳамкорлик қилиб кел-

моқда. Ҳн йил давомида ушбу дастур доирасида 50 га яқин Ўзбекистон вакиллари Голландия малака ошириб қайтди. Узининг 10 йиллигини нишонлаган «МАТРА» дастури шу йил якуни топиши қулайлашган бўлсада, Клингендейл маъмурияти мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги билан бошқа турли дастурлар доирасида ҳамкорлик қилишни режалаштирган.

Институт таълим ва малака ошириш бўлими бошлиғи Ян Мелиссоннинг айтишича, бу каби ҳамкорлик дунё мамлакатларининг ўзаро муштарак мақсадларга эришиши йўлидаги яқинлигини мустаҳкамлашга, сайёрамизда тинчлик ва осойишталик ўрнатишига хизмат қилади.

Акмалжон ҚўҚОРОВ,
«Жаҳон» АА.

«Галла - 2003»

Жирмон Бошидаги раис

Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли ширкат ҳўжалиги жирмонидега 2500 тонна бугдой уйилиб турибди. Жирмон бошида раиснинг ўзи Эргаш Жумаев. Ушбу галла қайта ишлаш қорхонаси билан тузилган шартномадан ортиб қолган.

Хўжалик раҳбарининг хўзурига эрталаб қўшни хўжалик раис келиб "Бизгаям ўргатинг, бюджет қандай қолган бугдойни одамларга қайси тартибда тақсимлаш керак", деб сўради. Шунда Жумаев қулди ва шундай деди: Абдувоҳидов Шойдулла, Қосимов Шепонат, Жўраев Хўшбоқ деган пудратчиларимиз ўз улушларини биринчи бўлиб олишди. Ҳар бирига йигирма тоннадан тегди. Энди қолган 170 пудратчи қолларини тўлдириб-тўлдириб

бугдой олишяпти. Ҳўза қатор орасига ишлов бераётган 48 та тракторчининг ҳар бирига бир тонна, насосчиларга 700 кило, пахтачиликдаги оилавий пудратчиларга 100 кило, бош мухтасисларга 3 тоннадан тарқатдик. Умуман, тақсимланаётган галла ҳўжалигимиз худудида ишлаётган аҳоли жон бошига юз килодан тўғри келяпти. Бу юз қирқ кило нон дегани. Давлатга 5200 тонна галла сотдик.

Жумаев қўшни раисдан, ўзингиз одамларга қанча бугдой беряпсиз, деб сўради. У биз одамларга 50 тонна бугдой берамиз, деб айтмоқчи бўлди-ю, лексин уялиб оқилмади. У қайта-этиб Жумаевнинг жирмонида қайта-қайта қаради. Изларига қайрилиб қаради.

О.УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида


Сув ўлчагичлар қачон ўрнатилади?

бобларни харид қилиш ва ўрнатиш харажатлари ичимлик сув нархи — тарифи билан боғлиқ ҳолда олиб борилаётган бўлишига маблағларга қайтариб бериш шарт билан мақсадли маблағ ажратилишига шарт қилинган. Шунга биноан, бошқармаларимиз ўз тақлифларини ва ҳисоб-ки-тобларини тайёрлаб, қўриб чиқиш учун вилоят ҳокимлигига тақдим этиди. Бундан ташқари, итмиъли кредит сўраб, «Ҳамкорбанк»ка бир неча бор мурожаат қилди. Афсуски, қўшимча фойз миқдори юқори бўлгани, бошқармамиз шаҳар ва туман қорхоналарининг молиявий шартонти кўтармагани туфайли сўралган

кредитни ололмадик. Вилоят аҳолисининг етказиб берилган ичимлик сув ҳамда қабул қилинган оқовалардан қарзи 2002 йилнинг 1 май ҳолатига 77937,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 май ҳолатига 68968,8 минг сўмга тушди. Яъни қарздорлик миқдори 8968,9 минг сўмга камайди.

Бошқармамиз дебиторлик қарзларини ундириш борасида вилоят шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширди. Бундай тадбирлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, аҳоли қарздорлигини пасайтириш мақсади-

(Давоми 2-бетда).



«Халқ сўзи»нинг шу йилги 15 май сонидан чоп этилган «Ҳисоблагич жиҳозлари кам қарз эса бисёр» мақоласи Андижон вилояти «Суюқова» ишлаб чиқариш бirlашмасининг шаҳар, туман қорхоналари ва бўлимлари раҳбарлари иштирокида атрофчи муҳома қилинди.

Республика Вазирлар Мақамасининг уй-жой фондарини сув ва газ ўлчагич асбоблар билан жиҳозлаш масаласига доир 1999 йил 1 июндаги 280-сонли қарорнинг 5-бандида хонадонларга сув ўлчагичлар сотиб олиш ва ўрнатишни маблағ билан таъминлаш уй-жой мулкдорлари ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатилган. Бошқа бир қатор расмий ҳужжатларда ушбу ас-

«JFPR — 9005» грант лойиҳаси — амалда

Йод етишмовчилиги ва темир моддаси етишмаслиги, камқонлик хасталиклари она ва боланинг саломатлигида оғир асоратлар қолдириши ҳеч кимга сир эмас. Бу касалликлар республикамиздаги соғлиқни муҳофаза этувчи ташкилотларнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу нохуш ҳолатни бартараф этиш учун оналар ва болаларнинг саломатлигини яхшилаш борасида республика ҳукумати ва вазирликлар томонидан муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, амалга татбиқ этилмоқда. Яқинда Осие таракқиёт банки (ОТБ)нинг тақлифи билан Япония давлатининг маблағи ҳисобидан «Оналар ва болалар овқатланишини яхшилашга қаратилган грант лойиҳа»-сини амалга татбиқ этиш маъқулланди. Лойиҳанинг моҳияти нимадан иборат? Бу саволга жавоб топиш учун унинг ижрочиларига мурожаат этдик.

Санд ИСМОИЛОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Эндокринология илмий-текшириш институти директори:

Козим БАКИРХОНОВ, Гематология ва қон куйиш илмий текшириш институти директори:

Бахтиёр НИЁЗМЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси давлат Бош санитария врач, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири муовини:

Сунгги йилларда бутун дунё бўйлаб таркибидан витаминлар ва минерал моддалар бўлайтирилган озиқ-овқатларга бўлган қизиқиш ортомоқда. Аҳоли саломатлигини сақлашнинг энг осон йўли ун, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва ундан тайёрланувчи қандолатчилик маҳсулотларини баъзи витаминлар ва микроэлементлар билан бойитишдир.

Соғлом она — соғлом бола

Бу усул билан донларни сақлаш ва қайта ишлаш вақтида йўқотилган витаминлар ва микроэлементлар микдори тикланади. Давлатнинг тиббиёт сарфларидан маблағи тежалани. Энг оммабоп ва арзон озиқ-овқатлар витаминлар билан бойитилади.

Дастур лойиҳасига 5 та вилоят ва Тошкент шаҳридан 14 та йирек ун ишлаб чиқарувчи корхоналар жалб этилган бўлиб, 2003 йил март ойининг охиригача уларга 38 та тонна тур усунуларни ўрнатилди, 89 тонна ун маҳсулотини витамин ва микроэлементлар билан бойитувчи модда етказиб берилди. Тошкент, Жиззах, Хоразм, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси орасида камқонлик ниҳоятда кенг тарқалганлиги сабабидан ушбу грант лойиҳасини амалда татбиқ этиш режалаштирилган.

Лойиҳа амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида темир танқислиги ҳолатларининг тарқалиши камайди, шунингдек, аҳолининг ушбу хасталикнинг олдини олиш борасидаги бил-лимлари ошади.

бўлдики, ушбу маҳсулотларни истеъмол қилган Ўзбекистон аҳолиси йод моддасига бўлган эҳтиёжини қондоролмас экан (инсоннинг бир кеча-кундузги йодга бўлган эҳтиёжи 150-200 мкг).

Йод етишмовчилиги билан боғлиқ хасталиклар сирасига боланинг ўлик туғилиши, ақли ноқислик, филаллик, туғма жисмоний нуқсонлар, пакиналлик, катталарга эса бўқоннинг турли асоратлари, гипотиреоз сингари бир неча ҳолатлар кирди. Бундан ташқари, йод танқис ҳудудларда қалқонсимон без саратони кенг тарқалди. Республикадаги аёллар ва болаларнинг 40-45 фоизи эндемик бўқондан азит чекадилар. Аҳолида йод тақчиллигини доимий назорат остида тутиш, Ўзбекистон ҳудудига йодланган туз олиб келиш ва сотишни таққишлаш лозим. Шунини ҳам унутмаслик лозимки, туз ишлаб чиқариш корхонасида истеъмолчиға етиб боргунча йоднинг 20 фоизи йўқолади. Қундалик йод истеъмол қилиш микдори эса 10 мкг бўлиши лозим. 10 мкг/с миқдорда йод истеъмол этилганини таъминлаш учун 1 тонна тузга 65 грамм калий йодид қўшилиши керак.

1998-2000 йилларда Қорақалпоғистонда амалга оширилди. Аҳоли, шу жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар ва 2 ёшгача бўлган болалар темирли дори-дармонлар ва анемияга қарши кўргазмали қуроллар билан бепул таъминландилар. Ушбу дастур кўмаги билан ҳар бир беморнинг гемоглобин кўрсаткичи ўртача 20г/д.га кўтарилди. Ҳозирги вақтда худди шундай тадбир Хоразмда ўтказилган.

Темир танқислиги хасталикларининг олдини олишда энг арзон ва самарали усул, бу — озиқ-овқат маҳсулотларини темир билан бойитишдир. Дастурнинг самараси узок вақт давомида мунтазам қўлдан келинганда кейин кўринади. Тараққий этган давлатлар, яъни Канада, АҚШ, Англия ва бошқа давлатларда 70-йиллардан бери озиқ-овқат маҳсулотлари темир билан бойитилди. Эфирол этиш лозимки, бу усулга шубҳа билан қараётган олимлар ҳам йўқ эмас, аммо биз тараққий этган ва ривожланаётган давлатларда ушбу усул 20-30 йиллардан бери муваффақиятли қўлланиб келинаётганини бианамиз. Тўғри, бу усулнинг натижаси дарров кўзга ташланмайди, унинг самарасини ўн йиллардан кейин кўриш мумкин.

— Темир моддаси етишмаслиги натижасида келиб чиқувчи камқонлик — анемия ва йод моддаси етишмаслиги оқибатида юзга келадиган эндемик бўқоқ хасталиклари нафақат бизнинг республикамизда, балки Марказий Осие ва Кавказ мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Бу хасталикларни бартараф этиш ва даволаш учун Осие Тараққиёт Банки Япония жамғармаси ҳисобидан Ўзбекистонда камқонлик ва йод танқислигини бартараф этиш учун махсус грант ажратилди.

Хозирги кунда республикамизда ушбу дастур кенг миқёсда амалда олинирмоқда. Бу ишга республикадаги нуфузли тиббиёт муассасалари, «Узонмаҳсулот» ДАК, республикадаги ош тузи ишлаб чиқарувчи корхоналар ва нодавлат корхоналар жалб этилган. Аминикчилик, олиб бораётган изланишларимиз ва сайёҳаракатларимиз ижобий натижа беради.

Алишер ИШМЕТОВ, «Узонмаҳсулот» давлат акциядорлик компанияси раиси ўринбосари:

— Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик қиймати-ни ошириш, ушбу маҳсулот турларини тақомиллаштириш, янги но-анъанавий маҳсулотлар ёрдамида озиқ-овқатлар ишлаб чиқаришни кенг кўламада йўлга қўйиш долзарб муаммага айланган.

Хурлигимиз, эркимиз ўзимизнинггина эмас, йиллар зарби ва каровисизлигида нураб қолган обидларни ҳам қайта яшартираётгандай.

Қизилтепа туманидаги Вангозе қишлоғида жойлашган Тош Мақит ёлгорлиги ана шундай силсилаларга дош берган йирек тарихий мажмуа ҳисобланади. У XVI асрнинг иккинчи ярмида қад ростирилган бўлиб, бобоқалларимизнинг маънавий оламидан дарак

бериб турибди. Қаранг-а, мустабид тузум даврида ушбу муборак қадимон ўғит сақланадиган омборхона сифатида фойдаланган эди.

Қизилтепалик тарихининг қўмилиб қолган қўзини очибга бел боғлашди. Мақит ва унинг биқинидаги баландлиги 30 метрга келадиган минорани дашар йўли билан қайта таъмирлашга киришилди. Бу ишда бухоролик қўли гул усталар ёрдамига

келиши. Улар обидга ўз ҳуснини қайтаришади. Устунлар, эшиклар, гумбазлар, минора йўллари асл ҳолатига келтириляпти. Трофи кенгайтирилиб, бог-чорбоғлар барпо этилмоқда.

— Вангоземинг ўтмиши узок, — дейди малани мерос жонқуярларидан бири Раҳим ака Қораев, — бу сўз ибодатхона ўрни деган маънони англатади. У тарихий обидда ҳам ўз аксини топган. Буюк

топмайси». Гуё бу нисбат Вангозе атрофлари ҳақида билдирилгандай.

Бой малани меросимиздан дарак бериб турган мажмуанинг яна ўз ҳолига қайтарилиши ҳеч бир қалбини жунбуша келтирмай қолган эмас. Катта ҳажмдаги савоб ишга ҳамма баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшапти. Махсус жамғармага келиб тушаётган маблағларнинг кети узилмаёттир.

Қайта тикланаётган ёлгорлик халқимизнинг маънавий мулкига айланиб, ҳадемай зиёратга эшик очади.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўтмишинг уйғоқ кўзи

Халқ-хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда кўмак сўраб, вилоят алия бошқармаси эшитини қоқди. Бу ҳаммадагилар унинг арз-долларини асосли деб топишлар. Ҳаял ўтмай, иш судга оширилади. Судга оширилгани-ю, 2001 йил июлидан 2003 йил мартга қадар турли босқичларда, ҳоҳ ишонинг — ҳоҳ ишонманг, саккиз марта қўрилади. «Намуна кўп!» дейсизми, асло ажабланманг, ундан кўра қўлоқ тутинг. Дастлаб фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди тадбиркор давласини қисман қаноатландиради. Шаҳар ҳокимлигининг 2000 йилги 108-ф сонли қарорининг 2-бандини бекор қилиб, унинг тарданга қурилиш экспертизаси ўтказишга кетган маблағни тўлаш мажбуриятини юқлайди. Аммо фирмага етказилган

ҳал қилув қарори чиқаради. Қўшимча давловни ҳам жўяли ҳисоблаб, ҳокимият фирмага ер ажратмоғи жоиз деган тўхтамага келади.

Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди? Судлар имзолаган ҳал қилув қарори ва ажрим ижроси таъминландими? Тадбиркор ҳақ-хуқуқлари тикландими, талаби қондирилдими? Бу саволларга жавобини, келинг, яхсини, Олимжон Жўраевнинг ўзидан эшитга қолайлик.

«Мен, — деб ёзда у тахририя-тимизга йўллаган шикоятномасида, — ҳеч қандай ўзгартиш бўлмаган, шу йил 20 январь кун Олий судга бордим. Қабулномада Дилшод исмли йигит ўтирган экан. Муздамонни эшиттган, «Иш бизда ўрганлаётгани беш ижро тўхтатилган. Сизга бошқа ҳеч қандай

судлов ҳайратининг М.Ҳошимова раислик қилган очиқ суд мажлисида иш билан бирга назорат тартибда кўриб чиқилибди ва...»

Давомини айтсам, билалдим, қуларимкинсинс ё куяримкинсинс, барча давловлар юридик шахс маконига эга хусусий фирма номидан юридик шахс ҳисобланмиш ҳокимиятга нисбатан қўзғатилгани, бундай шахсга маънавий зарар етказилиши мумкин бўлмагани бери низо умумий юрисдикция судларига эмас, балки, Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасига асосан, хўжалик судлари судловига тааллуқлилиги аниқлангани. Шунга мувофиқ, Наманган туманлараро судининг 2001 йил 29 июнидаги ҳал қилув қарори ва Фарғона вилояти судининг 2002 йил 15 октябргаги ажрими бекор қилинган ҳолда низо бўйича иш юритиш тугатилиб, протест қаноатландирилди. Ажабланарлиси, ушбу суд мажлисида жавобгар — ҳокимлик вакили иштирок этибди-ю, негадир давловгар қатнашмабди. Узининг кўзда ёш-да айтишчиға, иш Олий судда қўрилаётгани ҳақида биро-бир хат-хабар олмабди. Нуфузли ҳайъат ажримидан орқаворган оғоқ топилди.

Албатта, биз судлар ишига аралашмоқчи, бировни қоралаб, бировни ёқламоқчи эмасмиз. Фақат битта нарсадан ҳайратланамиз. Мазкур иш ҳозирга қадар уч марта туманлараро судда, уч марта вилоят судларида, бир марта Олий судда турли босқичларда қўрилган. Бунинг учун қанчадан-қанча вақт ва меҳнат сарфланган. Наҳотки, шу жараёнда бирорта судья у аслида хўжалик суди судловига дахлдорлигини билмаган бўлса? Наҳотки, шаҳар ҳокимлигининг хатосини етмагандай, қонуи ҳимоятчиларнинг локалдиллиги жабрини ҳам олдин фуқаро тортеа? Наҳотки, унинг ҳақиқат йўналиги ўн йиллик елиб-югуришлари эса кетса, орузумилари елдек давоға совирилса?..»

Хўш, бўёги-чи, бўёги нима бўлади? Ноҳақликка учраган тадбиркорнинг сулма-суд қатнаб йўқотган қимматли вақти, оёлаб-ёйлаб чеккан изтироблари, қўрган моддий-маънавий зарарлари ўрнини ким, нима билан тўлдирди? Бу саволга ким аниқ жавоб бера олади? Жабрийданнинг дардига келгунда қим, қанон росманасига малҳам қўлида?..»

Ҳойнаҳой, Олимжон ота не сабаб йилгиланини энди аниқлаётганимиз?!

Абдуноби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Банк тизими

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш, уларнинг ишончли муҳофазасини таъминлашга боғлиқ. Ана шу мақсадда республикамиз Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Уларнинг ижросини таъминлашда акциядорлик тижорат «Тадбиркорбанк»и ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

КРЕДИТЛАР — ФЕРМЕРЛАРГА

Таъкидлаш жоизки, ушбу банк ўзининг ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда, деҳқон ва фермер хўжаликлари-ни, қишлоқ хўжалиги ижарачилари ва кооперативларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларига, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишла-ву ҳусусий корхоналар ва фирмаларни молиявий қўллаб-қувватламоқда.

— Бутунги кунда ҳодимларимиз томонидан 10622 та кичик ва ўрта бизнес корхонаси, деҳқон, фермер хўжаликларига ва 33 та ширкат хўжалиги хизмат кўрсатиш-моқда, — леи биз билан сўббатда «Тадбиркорбанк»нинг кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш департаменти директори Нарғиза Ибрагимова.

— Маълумки, бозор иқтисодиёти шартларида барча соҳаларда рақобат муҳити пайдо бўлади. Шу маънода тижорат банк-лари ўртасидаги соғлом рақобат туфайли миқозларга янги банк хизмати турлари тақлиф этилмоқда. Сунгги пайтларда мазкур банклар томони-дан лизинг, факторинг



каби замонавий банк хизмати ҳамда контокор-рент, овердрафт сингари кредитлашнинг янги турларини, ҳисоб-китоблар-ни амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида банклар та-лаб қилиб олинганда де-позит ҳисобварақлари очилиш, электрон тўлов тизими орқали мамлакат ҳудудида ҳар қандай тўловни реал вақт мо-байнида, яъни 5-10 дақи-қда амалга ошириш им-кониятига эришилди.

— Аҳолининг бўш пул маблағларини омонат жамғармаларига жалб этишга тадбирлар, усул-лар, ўзига ҳош ендешу-вдар қўлланилмоқда. Жум-ладан, «Тадбиркор-банк»да ҳам «Оруз», «Истеъмол», «Мавсум» каби муддатли ва йўқлаб олинадиган ҳамда «Хир-мон», «Нуроний», «Са-ҳоват», «Тадбиркор» каби миқоз учун қўлай омонат турларига аҳоли-да талаб ўсмоқда.

— Маълумки, эндиги-на шаклланаётган деҳ-қон ва фермер хўжалик-ларини молиявий жиҳат-

— Тўғриси, тадбиркор-ликка даст уришдан бо-шига қўчилигимиз, — деб гап бошлади «Туркистон-С-Росс Фахри» Ўзбеки-стон Республикаси қўша кор-хонаси директори Анвар Атабоев. — Сабаби, фа-салият юритишнинг учун сар-мом етишмас, ҳамкорим эса лойиҳасини амалга оширишда 30 фоизгина сар-мом кирита олишини айтган эди. Ҳайратки, «Тадбиркорбанк»нинг Сирдарё вилоят Амалиёт бўлими йиллик 15 фоиз устама тўлаш шарти бил-дан 10 миллион сўм им-тиёзли кредит ажратди. Шулар туфайли 2002 йил-да 24 тонна қандолат маҳ-сулотлари ишлаб чи-қаришга эришилди. Бу йилги кўрсаткичларимиз ҳам чакки эмас. Ҳозирга қадар қўша корхона-мизда 9,5 млн. сўмлик маҳ-сулот аҳолига етказиб берилди.

— Таъкидлаш жоизки, бундай ибратли мисол-лар ёлғиз эмас. Бу — та-раққиёт сари юз тутила-ётганидан дарак беради.

Сайдулло ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Олтин мерос

Насаф қадимдан Шарқнинг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бири сифатида маълум ва машҳур. Қадимий ёзма манбаларда ан-Насафий нисбаси билан кўплаб олим уламолар, буюк мутафаккирларнинг табаррук номлари зикр қилинган.

ёрқин далилидир... Афсуски, бу улуг зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилики билмайди. Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуг аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар тарафлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи гада, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир.

БЕНАЗИР АЛЛОМАЛАР

Абул Аббос ал-Мустафийрий (961-1041й.)Х асрнинг охири XI асрнинг биринчи ярмида Насафда фаолият кўрсатган таниқли тарихчи, адиб, фақих ва муҳаддис олим. 26 ёшдан бошлаб Насафдаги жомеъ масжидда маърузалар қилган ва ҳаётининг охириги йилларида Насаф шаҳрининг бош хатиби бўлган ва кўплаб шоғирларга устозлик қилган.

ҳасида ўз мактабини яратган олим сифатида машҳур. Маълумки, ҳадис илмининг буюк алломаси Имом ал-Бухорий IX асрда фаолият кўрсатиб, оламшумул аҳамиятга эришган олим эди. 26 ёшдан бошлаб Насафдаги жомеъ масжидда маърузалар қилган ва ҳаётининг охириги йилларида Насаф шаҳрининг бош хатиби бўлган ва кўплаб шоғирларга устозлик қилган.

қаламига мансуб асарлар исломий илмларнинг турли соҳаларига бағишланган бўлсада, унинг меросида фикҳий асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Энг йирик асари "Усул ал-Пазлавий" бўлиб, тўлиғича "Қанз ал-Вусул ила маърифат ал-Усул" номи билан аталади. Фикҳий масалалар баътафсил шарҳланганлиги боис ўз даврида бу асар жуда кўпчилик фақихлар учун дастурий қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Абул Ҳарас ал-Варсийий X асрда Насафда самарали фаолият кўрсатган йирик тарихчи ва муҳаддис. Ал-Варсийийнинг қаламига мансуб асарлардан энг муҳими, шубҳасиз "Қитоб муфакхрат аҳд Насаф ва Кашш" (Насаф ва Кеш аҳдида энг фақрли (олим)лар ҳақида китоб) ҳисобланади. Қашқа воҳасининг қадимий шаҳарлари Насаф ва Кешдан чиққан улуг зотларнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида қимматли маълумотлар жамланган бу асар бизгача етиб келмаган.

Абул Ҳасан ал-Пазлавий ҳижрий 400 (мелодий 1010) йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида таваллуд топган. Ўз даврида Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарлари каби Насаф ва Пазлавий ҳам зиёрат қилган машҳур араб сийёҳи Ҳасан ал-Ҳамавий (1178-1229) унинг "Муъжам ал-булдан" (Мамлакатлар қомуси) номи йирик асаридан "Пазла Насафдан олти фарсаҳ узокликдаги мустаҳкам бир қалъа (қурбон) бўлиб, ундан етишиб чиққан алломалардан бири Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Пазлавийдир", деб ёзган.

Абу Ҳарас ал-Варсийийнинг қаламига мансуб асарлар исломий илмларнинг турли соҳаларига бағишланган бўлсада, унинг меросида фикҳий асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Энг йирик асари "Усул ал-Пазлавий" бўлиб, тўлиғича "Қанз ал-Вусул ила маърифат ал-Усул" номи билан аталади. Фикҳий масалалар баътафсил шарҳланганлиги боис ўз даврида бу асар жуда кўпчилик фақихлар учун дастурий қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Абул Ҳасан ал-Пазлавий ҳижрий 400 (мелодий 1010) йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида таваллуд топган. Ўз даврида Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарлари каби Насаф ва Пазлавий ҳам зиёрат қилган машҳур араб сийёҳи Ҳасан ал-Ҳамавий (1178-1229) унинг "Муъжам ал-булдан" (Мамлакатлар қомуси) номи йирик асаридан "Пазла Насафдан олти фарсаҳ узокликдаги мустаҳкам бир қалъа (қурбон) бўлиб, ундан етишиб чиққан алломалардан бири Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Пазлавийдир", деб ёзган.

Абул Ҳасан ал-Пазлавий ҳижрий 400 (мелодий 1010) йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида таваллуд топган. Ўз даврида Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарлари каби Насаф ва Пазлавий ҳам зиёрат қилган машҳур араб сийёҳи Ҳасан ал-Ҳамавий (1178-1229) унинг "Муъжам ал-булдан" (Мамлакатлар қомуси) номи йирик асаридан "Пазла Насафдан олти фарсаҳ узокликдаги мустаҳкам бир қалъа (қурбон) бўлиб, ундан етишиб чиққан алломалардан бири Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Пазлавийдир", деб ёзган.

Абул Ҳасан ал-Пазлавий ҳижрий 400 (мелодий 1010) йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида таваллуд топган.

дан бири ҳисобланади. Абул Муъийн ан-Насафий 1027 йилда Насафда туғилиб, 1114 йилда вафот этган. У буюк аллома имом ал-Мотуридий асос солган ҳанафий калом мактабининг энг йирик намондаси сифатида шуҳрат қозонган. Унинг қаламига мансуб асарлар сони ўн бешта яқин бўлсада, афсуски, уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Мавжуд асарларига таяниб айтиш керакки, у ўз илмий-ижодий фаолияти даврида айниқса, калом илмига алоҳида эътибор берган. Жумладан, унинг "Баҳр ал-калом" (Калом илмида денгиз ва "Китоб ат-таҳийд ил қавоид ат-таҳийд" (Тавҳид қоидалари буйича қўлланма китоб) асарлари калом илмининг турли масалаларини мухтасар, оммабоп тарзда баён қилинганлиги билан ажралиб туради.

Тарихий манбаларда Абул Баракот ан-Насафийнинг таваллуд санаси келтирилмасдан, ҳижрий 710 (мелодий 1310) йилда вафот этганлиги қайд этилган. Абул Баракот ан-Насафий ҳақида ёзган муаллифлар уни аш-шайх, ал-имом, ҳофиз ул-миллат ваддин, носир ул-ислом вал муслимин, ворис ул-анбиё вал мурсалин, муфтий аш-Шарқ вас-Сийн (Хитой) каби кўплаб юксак даража ва ном билан тавсифлаб ёзганлар. Ҳақиқатан ҳам Абул Баракот ан-Насафий ўз даврининг йирик тафирисчи ва фақихи сифатида донг таратган. Унинг қаламига мансуб ўндан ортиқ асарлари қаторида айниқса, Қуръон қарим тафсирига бағишланган "Мадорик ат-танзил ва ҳақоник ат-тавийл" номи асари бутун Мағрибу Маширқда маълум бўлган. Шу билан ҳам бу қимматли тафсиридан ҳозирги вақтда ҳам мадрасаю, дорил-фунунларда кенг фойдаланилиб, унинг илмий ва амалий аҳамияти юксак қадрлини келинмоқда.

Убайдулла УВАТОВ, Тошкент Ислон университети Ислоншунослик илмий тадқиқот марказининг бош илмий ходими.

Кампиртепа хазинаси


Шеробод туманидаги қадимий Кампиртепа қишлоғидан ноёб хазина — қадимий китоблар топилди. Араб, форс ва туркий тилларда ёзилган минтага яқин ушбу ноёб асарларни китоб қадрини билган кишилар йиллар давомида асраб-авайлаб келганлар. Мазкур хазина қабристонлар, қўздан пана жойларда сақланган. Улар орасида астраномияга оид китоблар ҳам бор. Уни Термиз давлат университети профессори Б. Қодиров раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи топди.

Ўз муҳбиримиз.

Янги нашр

Фарғона вилоятидаги маҳаллий нашрлар сони яна биттага кўпайди. Қасбада уюшмалари вилоят кенгаши муассислигида чоп этилган "Меҳнат ва турмуш" газетаси ўқувчилар қўлига теги.

Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.



Саратоннинг муздай сувлари...

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-ловчаси.

Ҳаёт мунтазам ўзгаришда, муттасил униб-ўсишда. Ҳатто миллион йиллардан буён бир маромда айланётган мавсумлар бугун гоҳ-гоҳ ўрин алмашаётгандай. Ёзда бирдан дўл ёғиб, қишда кўёш чарақламоқда. Бу табиатнинг одамзотга ўзига хос ундовимикан? Ҳамиша ҳар қандай шароитта, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга сергак ва ҳушёр туришга, ақлан ва жисмонан муттасил ҳаракатда бўлишга чорловдир балки...

ярмини болалар билан ўтказди. Болаларнинг бирортаси мактабда ёмон баҳо олманган. Биринчи йили республика олимпиадаси голиби бўлди. Яна бири яратган кашфиёт республика ёш техниклар кўرғазмасида биринчи

ўринни олди. Демак, бу оиладаги соғлом муҳитнинг спорт таъминлиги. Спорт машқлари инсон руҳиятида, айниқса шакллантиётган ўсмир дунёқарашда яхши бўлишга пайдо қилади. У билан мунтазам шуғулланган руҳий, маънавий негизини шундай мустақамлаб, ҳимоялаб оладики, унга ҳар қандай қусур, иллат, майлар таъсир қилолмайди.

Чемпионлар ҳам керак, лекин...

Бугун кечагидан фарқли ўлароқ руҳан, ақдан, жисмонан уйғунликда чиниққанлар ютаётти. Бу учала жиҳат бир-бирига бодлек. Инсоннинг руҳан ва ақдан чиниқиб, жисмонан чиниқмаслиги унинг фаолиятини чеклайди. Жисмонан чиниқиб қолган ўзи руҳий, ақлий фаолликка йўл очади. Олдиёгина тил билан айтганда, танада қон меърида айланиб, мижозда муътадиллик кузатилса, ақл ва руҳ етарли озуқа олади.

Бугун кечагидан фарқли ўлароқ руҳан, ақдан, жисмонан уйғунликда чиниққанлар ютаётти. Бу учала жиҳат бир-бирига бодлек. Инсоннинг руҳан ва ақдан чиниқиб, жисмонан чиниқмаслиги унинг фаолиятини чеклайди. Жисмонан чиниқиб қолган ўзи руҳий, ақлий фаолликка йўл очади. Олдиёгина тил билан айтганда, танада қон меърида айланиб, мижозда муътадиллик кузатилса, ақл ва руҳ етарли озуқа олади.

Унинг минг йиллик одамзодни тамоман ўзга дунёга — ташаббускорлик, фаоллик, хилма-хиллик дунёсига бошлайти. Шилдат билан ривожлантиётган ақдан асрида жисмонан ва ақдан уйғунликда чиниққанларгина голиб чиқади.

Мамлакат НОРМУРДОЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДОҒАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УЎБОСАРОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Иجتимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетачилар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, тағлим ва турмуш — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Бюрогма Г — 608, 22990 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Набатчи муҳаррир — Б. ЭҒАМҚУЛОВ. Набатчи — С. ҲАЙДАРОВ. Мусахҳах — Ш. МАШРАБОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозондан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 21.00. 1 2 3 4 5 6

Advertisement for T.S. TECHNOLOGY featuring a computer monitor, keyboard, and mouse. Text includes 'SIFAT VA ISHONCH RAMZI' and contact information for T.S. TECHNOLOGY KOMPUTERLARI.

Advertisement for various services and companies, including 'Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги', 'Тошкент Давлат иқтисодиёт университети', and 'Ўзбекистон Телерадиокомпанияси'.